

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2026 йил март ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Шерматов, судья ёрдамчиси Ж.Ахатқуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ўринбосари А.Султонов, судланувчи А.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси “Qaqnus-Sh” адвокатлик бюроси адвокати С.Нуруллаев ҳамда жабрланувчи Д.Вахобоваларнинг иштирокида, Ахмедов Абдулатиф Бахтиёр ўғлига нисбатан 1-1416-2502/536-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмедов Абдулатиф Бахтиёр ўғли (Ahmedov Abdulatif Baxtiyor o'g'li), 1994 йил 14 декабрь куни Самарқанд вилояти, Булунғур туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келган, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг 20.06.2024 йилдаги ажримиغا кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган, Булунғур тумани, “Сайилтепа” маҳалласи, “Тепа” қишлоғи, 57-уйда яшаган, дастлабки тергов органи томонидан иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, туман судининг 10.12.2025 йилдаги ажримиغا кўра, унга қидирув эълон қилиниб, 02.03.2026 йилдан ушланиб қамоқда сақланмоқда, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 15 ноябрь куни олган, руҳан соғлом,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, тарафларнинг музокара ва судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қуйидагиларни;-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Ахмедов Абдулатиф Бахтиёр ўғли алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани қўлга киритиш мақсадида, 2023 йил январь ойининг охириларидан 2023 йил май ойининг охириларига қадар Ургут тумани, “Андак” маҳалласида яшовчи



таниши Вахобова Дилфуза Гулямовнанинг ишончига кириб, алдаб, билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан бериладиган “миллий сертификат” олиб бериш ваколатига эга бўлмаса-да, Д.Вахобовага унинг қариндошларига “миллий сертификат” олиб беришликни ваъда қилиб, “миллий сертификат” учун жами 8.000 АҚШ доллари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотномасига асосан 31.05.2023 йил ҳолатига 1 АҚШ доллари 11.405 сўмга тенг эканлиги ҳамда базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўмни ташкил қилишлиги, $8.000 \times 11.405 = 91.240.000$ сўм) миқдоридаги пулларни олиб, “миллий сертификат” олиб бермасдан, пулларни ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ахмедов Абдулатиф Бахтиёр ўғли унга эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки тергов органи томонидан унга нисбатан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлганлиги, унга оид жиноят иши жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг иш юритувига келиб тушгандан сўнг, унга суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабар қилинганлиги, бироқ унинг шахсий ишлари кўпайиб кетганлиги туфайли суд мажлисига етиб келаолмаганлиги, шундан сўнг яшаш уйига ИИБ ходимлари келган вақтида, у яшаш уйдан чиқиб кетган бўлганлиги, яшаш уйига келган вақтида ИИБ ходимлари уни излаб келганлиги ҳақида яқин қариндошларидан эшитган бўлганлиги, у Ургут тумани, “Андак” маҳалласида яшовчи Вахобова Дилфуза Гулямовна билан 2023 йил январь ойларида Самарқанд шаҳрида танишиб қолган бўлганлиги, ўша вақти у Д.Вахобова билан яқиндан танишиб қолиб, бир-бирларини телефон рақамини олиб, кейинчалик гаплашиб турганлиги, ўша вақти у бирор бир фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланмаганлиги, кейин улар миллий сертификат масаласи бўйича гаплашиб қолишганлиги, кейинчалик у Д.Вахобовага миллий сертификат олиб беришини айтиб, уни ишончига кирганлиги ва 2023 йил январь-май ойларида жами 8.000 АҚШ доллари миқдорида пулларни олиб ўзини эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, у ўша вақтлари Д.Вахобовадан мазкур пулларни Ургут туманига келиб олиб кетганлиги, кейин Д.Вахобова пулларни бир қисмини унга тегишли бўлган картасига ўтказиб берганлиги ва бир қисмини эса Булунғур туманида олганлиги, у Д.Вахобовадан жами 8.000 АҚШ доллари миқдорида пулларни олганлиги, дастлабки тергов вақтида жабрланувчи Д.Вахобовага етказилган 8.000 АҚШ доллари миқдоридаги пуллардан 7.000.000 сўми зарарни қоплаш учун Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисобига топширганлиги, қолган моддий зарарларни тергов тугаши арафасида жабрланувчи Д.Вахобовага тўлиқ қоплаб бериб, кечирим сўраганлиги, қолаверса унга нисбатан қидирув эълон қилиниб ушланган вақтида, отаси томонидан жабрланувчи Д.Вахобовага маънавий зарарлар бўйича 5.000.000 сўм тўлаб берилганлиги, ҳозирда жабрланувчи Д.Вахобовага етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлиги, жабрланувчи Д.Вахобовага “миллий сертификат” олиб беришни ваъда қилиб, фирибгарлик йўли билан ундан 8.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни қўлга олиб берганлиги, бироқ уни “миллий сертификат” олиб бериш ҳуқуқи



бўлмаганлиги ва “миллий сертификат” олиб бериш ваколатига эга танишлари ҳам бўлмаганлиги, ушбу пулларни алдаш ва ишончни суиистеъмом қилиш йўли билан қўлга киритганлиги, қўлга киритилган пулларни ўзини эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлиги, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарлар тўлиқ бартараф этилганлигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи А.Ахмедов эълон қилинган айбга тўлиқ икромлик билдириб, юқоридаги кўрсатувни бериб ўтган бўлса-да, унинг суд тергови давомида аниқланган ҳолатлардаги айби қуйидаги далиллар мажмуи билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Жумладан;

Суд мажлисида жабрланувчи Вахобова Дилфуза Гулямовна ўзининг кўрсатувида, у 2023 йил тахминан январь ойларида Самарканд шаҳрига имтихон топшириш мақсадида борган вақтида, унга нотаниш бўлган бола ўзидан-ўзи ёрдам қилишни бошлаганлиги ва у тушунмаган нарсаларни тушунтирганлиги, унга нотаниш бўлган бола ўқишга сертификат орқали киришни тушунтириб айтиб ўтганлиги, у нотаниш бола билан шу тариха танишганлиги ва Булунғур тумани, “Килдон” маҳалласида яшашини, ўзини Ахмедов Абдулатиф Бахтиёр ўғли эканлигини айтганлиги, Ахмедов Абдулатиф билан ўша вақтда телефон рақамини олиб телефон орқали гаплашиб турганлиги, 2023 йилнинг январ ойида, аниқ санасини эслай олмаслиги, Ахмедов Абдулатиф унга кўнғироқ килиб, тез кунларда “Кимё” фанидан имтихон борлигини айтиб, харажатини берса, сертификат олиб бериши мумкинлигини, ҳар-хил гаплар билан сертификат олишига қизиқтирганлиги, у Ахмедов Абдулатифни гапларига ва берган сўзларига ишониб, унга сертификат олиш учун қанча миқдорда пул беришини сўраганлиги, Ахмедов Абдулатиф ҳар-бир ўқувчига 1.600 АҚШ долларида жами 8.000 АҚШ доллари берса, ишлари ҳал бўлиши ҳақида айтганлиги, ўша вақтлари у Ургут туманидаги 136-сонли умумтаълим мактабида ўқувчиларга дарс бериб келганлиги, Ахмедов Абдулатиф унга агарда танишларига ҳам “миллий сертификат” керак бўлса ва 8.000 АҚШ доллари берса, тез фурсатларда, уларга сертификат олиб беришини айтганлиги ҳамда пулларни беришга қизиқтирганлиги, у Ахмедов Абдулатифга 2023 йил январ ойидан май ойига қадар бўлиб-бўлиб, жами 8.000 АҚШ доллари пулларни берганлиги, ушбу пулларни дастлаб Ургут туманидаги 136-сонли мактаб биноси олдида берганлиги, келишилган пулларни қолган қисмини ҳам ушбу мактаб олдида, Ахмедов Абдулатифнинг банк пластик картасига ҳамда Булунғур туманида берганлиги, Ахмедов Абдулатифнинг сўзларига ишониб, 2023 йил июнь ойларида “миллий сертификат” имтихонига кирганлиги, бироқ имтихон натижаларига кўра, “миллий сертификат” ни олиш учун белгиланган балларни тўплай олмаганлиги ҳамда “миллий сертификат” ололмаганлиги, бу ҳақида Ахмедов Абдулатифга нима сабабдан имтихондан ўтолмаганлигини сўраганида, Ахмедов Абдулатиф унга олий таълим муассасасининг “миллий сертификат” олиш учун янги аризалар топширилишига қадар сертификатни



натижасини тўғрилашини ва сертификат олиб беришини ваъда қилганлиги, орадан бир қанча вақт ўтса ҳам Ахмедов Абдулатиф унга тез фурсатда “миллий сертификат” жавобини ижобий ҳал қилишини айтиб, уни алдаб келганлиги, сўнг у ўзи мустақил тайёрлашиб, “миллий сертификат”га қайта топшириб, ўз билим салоҳияти билан “миллий сертификат” олганлиги, шундан сўнг Ахмедов Абдулатифга олган пулларини қайтариб беришини айтиб, бир неча маротаба мурожаат қилган бўлса-да, Ахмедов Абдулатиф уни бугун-эрта деб алдаб келганлиги, Ахмедов Абдулатиф уни бир неча ойлаб алдаб, 8.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бермасдан келганлиги туфайли, у ИИБга Ахмедов Абдулатифнинг ҳаракатларидан норози бўлиб ариза билан мурожаат қилганлиги, дастлабки тергов тугаши арафасида Ахмедов Абдулатиф унга етказилган моддий зарарни ўрнини қоплаш учун 7.000.000 сўм миқдоридаги пулларни Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисобига топширганлигидан хабар топганлиги, зарарни қолган қисмини нақт кўринишда ва банк пластик картасига қоплаб берганлиги, бундан ташқари Ахмедов Абдулатифнинг отаси томонидан етказилган маънавий зарарлар бўйича 5.000.000 сўм қоплаб берилганлиги, Ахмедов Абдулатиф етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаб бериб, ундан кечирим сўраганлиги сабабли, унга нисбатан даъво ва эътирозлари йўқлиги, Ахмедов Абдулатифга қонуний енгиллик беришни ва зарарни қоплаш учун топширилган пулларни унга қайтаришни сўради.

Шунингдек, судланувчи А.Ахмедовнинг айби, ариза, билдиргилар, тилхат, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор, моддий зарар бўйича тўлов паттаси, баённома ва хабарнома ҳамда жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, жиноят ишини бир қисмини тугатиш ҳақида қарор ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланади.

Суд, судланувчи А.Ахмедовнинг фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг анча миқдордаги мулкани кўлга киритишда ифодаланган жинойий хатти-ҳаракати тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Ахмедовнинг муқаддам судданмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарлар тўлиқ бартараф этилганлиги ҳамда жабрланувчини даъвоси йўқлигини айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз мақсадда содир этганлигини айбини оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, судлар жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши лозимлиги; ушбу Пленум қарорининг 3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли



бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги; 16-бандида, жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаганлар фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозимлиги;

бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги;

жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослангирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкинлиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 29-бандида “ЖК 168-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жиноят оқибатида етказилган зарарни қопланиши озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашни истисно этади, шу сабабли, зарар тўлиқ қопланмаган ҳолларда судлар айбдорга нисбатан озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўллашнинг мақсадга мувофиқ-мувофиқ эмаслиги масаласини муҳокама қилишлари шарт” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида “Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган.

Суд, юқорида келтирилган қонун талабларига амал қилиб, судланувчи А.Ахмедовга нисбатан жазо тайинлашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳамда қилмишининг сабабларини, жиноятни қасдан ғараз ниятларда содир этганлигини айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар деб, шу билан биргаликда судланувчини айбига иқдорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва жабрланувчининг даъвоси йўқлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга ЖКнинг 168-моддаси 5-қисми талабидан келиб чиққан ҳолда, айбли деб топилган 168-моддаси 2-



қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни ҳамда жарима суммасини ҳисоблашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси талабидан келиб чиқиб, жиноят содир этилган вақт (2023 йил май ойида базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўм) да амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқоридан келиб чиқишни, тайинланган жазога ЖКнинг 62-моддасини татбиқ этишни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргунига қадар “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартириб, қамоқдан озод қилишни, ҳукм қонуний кучга киргач эса қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи А.Ахмедовнинг қариндошлари томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш учун топширилган ҳамда Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисобида сақланаётган 7.000.000 сўм пулларни ҳукм қонуний кучга киргач жабрланувчи Д.Вахобованинг фойдасига ўтказишни белгилашни лозим топади.

Суд, иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган судланувчи А.Ахмедов ва жабрланувчи Д.Вахобоваларнинг ёзишмалари, пул ўтказмаларининг чеклари ва А.Ахмедовнинг тилхат ёзаётган вақтидаги тушурилган фотосуратларини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим деб топди.

Шунингдек, суд, жабрланувчи Д.Вахобовага иш бўйича етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини эътироф этишни ҳамда унга судланувчи А.Ахмедовдан ундирилмай қолган бошқа моддий ва маънавий зарарларни, шунингдек, ўртадаги бошқа зарар масаласидаги низоларни ҳал қилиш хусусида тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-474, 475-моддаларига мувофиқ, суд-

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ахмедов Абдулатиф Бахтиёр ўғли (Axmedov Abdulatif Baxtiyor o'g'li)
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

А.Ахмедовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми “а” банди билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (юз) баравари миқдорида, яъни 33.000.000 (ўттиз уч миллион) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан А.Ахмедовнинг қамоқда сақланган (02.03.2026 йилдан 17.03.2026 йилга қадар, 15 кун) ҳар бир кунини, базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмига тенглаштириб ҳисоблаб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдори 330.000 сўмнинг 92,5 (тўқсон икки ярим) баравари миқдорида, яъни 30.525.000 (ўттиз миллион беш юз йигирма беш минг) сўм жарима жазоси тайинлансин ҳамда давлат даромадига ундирилсин.



А.Ахмедовга нисбатан қўлланилган “камоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадар “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан камоқдан озод қилинсин.

“Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича судланувчи А.Ахмедовнинг қариндошлари томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш учун топширилган ҳамда Самарқанд вилоят ИИБнинг депозит ҳисобида сақланаётган 7.000.000 (етти миллион) сўм пул маблағлари ҳукм қонуний кучга киргач жабрланувчи Д.Вахобова фойдасига тегишли тартибда ундирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган жиноят иши бўйича А.Ахмедов ва Д.Вахобоваларнинг ёзишмалари, пул ўтказмаларининг чеклари ва А.Ахмедовнинг тилхат ёзаётган вақтидаги тушурилган фотосуратлари жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Жабрланувчи Д.Вахобовага иш бўйича етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.

Жабрланувчи Д.Вахобовага судланувчи А.Ахмедовдан ундирилмай қолган бошқа моддий ва маънавий зарарларни, шунингдек, ўртадаги бошқа зарар масаласидаги низоларни ҳал қилиш хусусида тегишли ҳужжатларни тўплаб, фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, белгиланган муддат ўтгач эса кассация инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришига ҳақли.

Раислик қилувчи судья:

Б.Шерматов

